



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2020 йил 5 МАРТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 33 [14.084]

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2020 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз миллий юксалиш ва миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда барча эзгу қадрият ва анъаналаримиз қатори Наврўз байрамнинг ҳам ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш ва янгилик, яхшилик ва баргикенглик, табиати асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш каби ўлмас гоғлар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади ва маъно-маъмунига гоғат ҳамоҳанг эканини таъкидлаш лозим.

Халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида белгиланган Наврўзи оламнинг ана шундай бекиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда бу айёмни янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказиш мақсадида:

1. 2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита Наврўз байрамини Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонлаш бўйича "Наврўзинг - янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!" деган бош гоғани ўзида мужассам этган Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш концепцияси ва ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини бир ҳафта мuddатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Мазкур концепция ва дастурни тайёрлашда барча тadbирларни том маънода умумхалқ сайли ва шодиб-наси сифатида ўтказиш, уларда кенг халқ оmmasининг фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилинсин:

Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топишини кўрсатиб берадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қад-

рлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тadbирларни уюштириш;

сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзининг азалий қадрият ва анъаналарига ҳамоҳанг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ташкил этиладиган байрам тadbирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамнинг тарихи, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

халқимизга хос бўлган меҳр-муруват, аҳиллик ва ҳамжихатлик фазилатлари асосида нуруний кексаларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тadbирларини амалга ошириш;

юртимизда миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, Ўзбекистон фуқароси бўлган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўзи нишонлашга оид урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз байрамини арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

тadbирлар бўлиб ўтадиган жойларда хунармандчилик кўргазмалари, китоб расталари, кўчма савдо дўконлари, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини ташкил қилиш;

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта мuddатда қуйидагиларни назарда тутуви Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича чоратadbирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлансин;

Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хиёбонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий услубда байрамона безатиш ҳамда саҳналарни ўрнатиш;

жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жа-

моалари, цирк санъати вакиллари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини кенг жалб этиш;

байрам тadbирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ва мусобақаларни ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очик ошхоналарни жойлаштириш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хиёбонлар ва майдонларни безатишда катта маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ижодкорлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна расомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларида иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда Наврўз умумхалқ сайилларига хорижий ва маҳаллий туристларнинг ташрифини ташкил этиш мақсадида кенг тарғибот ва тайёргарлик ишларини амалга оширсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тadbирлари:

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофича ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 3 март

МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ КЕНГ ЎРГАНИЛАДИ, ТАРҒИБ ЭТИЛАДИ

Самарқанд шаҳрида "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусидаги халқаро конференция якунланди.

Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар иштирокида Мисрдаги Ал-Азхар мажмуаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур халқаро конференцияда йигирмага яқин давлатдан уламолар, исломшунос олимлар, нуфузли таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари иштирок этди.

Нуфузли анжуманда Ал-Азхар мажмуаси раҳбари, Миср бош имоми Шайх Аҳмад Таййиб ҳам иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Икки кун давом этган халқаро конференциянинг асосий ва иккита шўъба мажлисларида қирқдан ортиқ маъруза тингланди. Маърузаларда Имом Абу Мансур Мотуридий шахси ва ақидавий қарашлари, мотуридийликнинг мафқуравий асоси, мотуридия қалом мактабига оид янги манбалар, ушбу таълимнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилди.

Жумладан, Малайзия ислом илмлари университети профессори Камалиддин Нуриддин Маржуний мотуридия таълимоти аҳли сунна ақидасини ҳимоя қилиш, унинг рақибларига раддия беришда улкан фазилатларни намойиш этиб бораётгани, унинг таасубдан йироқлиги, мўтадиллиги, ислом гоғларини бағрикенглик тамойилига мос тушунтириши билан барчага ўрнак бўлиб келаётгани таъкидлади.

Туркия ислом илмлари академияси мудири Аҳмад Саъд Иброҳим Абдураҳмон Усмон Даманхурийнинг айрим ёшлар ўзини шариат билимидан қилиб кўрсатган кишиларнинг ҳақиқатни ёлғон билан қориштириб тарғиб этиши натижасида аҳли сунна вал жамоадан бўлган ашъарийлик ва мотуридийлик таълимотларидан йироқлашиб бораётгани, оқибатда ибратли маънавий меросдан узилиб қолаётгани ҳақидаги фикрлари ҳам қатнашчиларга манзур бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Наврўзинг – янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!



Наврўз. Кўҳна ва боқий қадрият! Неча-неча асрларнинг ардоғида қалбларга жо бўлиб келаётган эзгулик айёми. Унинг боқийлигининг сир-синуоти йўқ. Шунчаки, Наврўз ҳамиша эзгуликни улуглагани боис ҳам мудом барҳайдир.



ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ҚАДРИЯТЛАР

Наврўз табиат уйғониб, бўйи етган бўйни таратадиган, эзгу ниятлар билан бободоҳонлар барака уруғини ерга қадайдиган, чорвадорлар "элимнинг илги бут бўлсин" дея серўт яйловларга подани ёйдиган, янги меҳнат мавсуми бошланиб, одамлар қалбида табиатга ҳамоҳанг нафис тароватга йўғрилган янгиликни ҳисси жўш урган бир даврда нишонланади.

Ушбу қадимий байрамнинг ўзига хос бўлган, асрлар давомида ҳар бир авлод томонидан сайқалланиб келаётган аҳойиб анъаналари бор. Бу анъаналар қат-қатига меҳр-муруват, тинчлик-тотувлик, аҳиллиги бирдамлик, серҳосиллик ва кут-барака, ободончилиги бунёдкорлик гоғлари сингиб, жон ва тан сингари уйғунлашиб кетган.

Азалдан халқимиз Наврўз байрамини шодиб-наси қилиб "Бойчечак сайли" билан бошлаган. Кўкларнинг илк кунларида астагина бош кўтариб, гўёки қиш устидан гоғиб бўлиб, "қаттиқ ердан қаталаб чиққан" бойчечаклар кўриниши билан "бойчечак сайли" маросими ўтказилган. Ушбу Наврўздаги маросимда болажонлар ўзлари териб келган бойчечакларни

узун таёқ учига боғлаб, кўклар даракисини сифатида маҳалла бўйлаб кўтариб, айланаб юришган. Кексалар, беморлар бойчечакни кўзларига суртиб, "Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик. Янаги йил шуч кунларга эсон-омон етайлик" деб шукроналар айтганлар. Бойчечак хабарини олиб келганлар эса ширинликлар билан сийланган. Йил алмашадиган кун арафасида чор-атроф, арик-зовурлар тозаланиб, ниҳоллар экилган. Барча ободонлаштириш ишлари неча минг йиллик ҳашар анъанаси орқали амалга оширилган.

Хонадонларда давомий оdatга кўра "уй кўтарилган", ҳаммаёқ супуриб-сидирилиб, керакисиз эски буюмлар чиқариб ташланган. Заҳмат-каш бободоҳонларимиз ҳам серҳосилликни ният қилиб, экин экиладиган ерларга қўш чиқариб, "шоҳ мойлар" маросимини ўтказишган. Етти хил дондан Наврўз гўжалари, етти хил баҳорий кўкатлардан кўк сомсалар тайёрланиб, кўни-қўшилар, қариндош-уруғлар, маҳалла-қўй билан биргаликда баҳам кўрилган.

Меҳр-муҳаббат, ўзаро тотувлик, аҳилликни акс эттирадиган "Қозон тўлди" удуми ҳам Наврўздаги удуми

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси "Меҳр Оролни кутқаради" лойиҳаси доирасида Мўйноқ туманида бўлди. Бирлашма жамоаси Орол денгизининг қуриган қисмида саксовул экиш, шунингдек, янгидан барпо этилаётган "Оқ кема" болалар соғломлаштириш оромгоҳи атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тadbирларида иштирок этди. Меҳмонлар туман марказидаги "Очик осмон остидаги кемалар" ва "Орол денгизи тарихи" музейларига ташриф буюриб, денгиз ва Мўйноқ тумани тарихи билан танишди.

Юртимизда Наврўз шукўхи бошланган шу кунларда "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки Термиз филиали янги бинода иш бошлади. Вилоятда ўн бир йилдан буён фаолият юритиб келаётган "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки Термиз филиали ўтган йилларда мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб, уларнинг ишончини қозонди. Қулай кредит маблағлари билан кўплаб тadbиркорлик субъектларининг молиявий ривожланишига яқиндан кўмаклашди. Уч қаватли кенг, шинам ва кўркам бинода банкни мижозлар билан янада яқинроқ қилиш, уларга тезкор, самарали хизмат кўрсатиш учун барча замонавий шароит яратилган.

Термиз шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан бир гуруҳ ишсиз хотин-қизлар "ZIF TEXTILE" масъулияти чекланган жамияти тикувчилик корхонасига ташриф буюрди. Меҳмонлар хорижнинг замонавий усқуналари билан жиҳозланган корхонадаги кийим-кечакларни би-чиш-тиктиш, дазмоллаш каби иш жараёнлари билан танишди. Бичувчи, тикувчи ва бошқа йўналишларда меҳнат қилаётган опа-сингиллар билан суҳбатлашиб, бу ерда ишчилар учун яратилган шароитларни кўрди. Шу кун иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар вилоят марказидаги "Амудартекс" ва "Шингдонг спиннинг Термиз" кўшма корхоналарида ҳам бўлиб, ип йигирув-тўкув жараёнларини кўздан кечирди. Меҳнат ярмаркасида эллиқдан ортиқ хотин-қиз мазкур корхоналарга ишга жойлашди.

Гонконг политехника институти олимлари бир соат ичида респираторли касалликлар, жумладан, янги турдаги коронавирус билан боғлиқ 40 тагача бактерия ва вирусни ташхислай оладиган тизимни ишлаб чиқиди. Унга кўра, гонконглик олимлар коронавирус экспресс-диагностикаси учун портатив мослама яратишган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, у 40 дақиқада ташхис қўйиши мумкин. Мазкур тизим шифокорларга нохуш аломатлар қайд этилган беморларга аниқ ташхис қўйишни тезлаштиришга кўмаклашади. Масаланинг муҳимлиги шундаки, коронавирус ва респираторли касалликларнинг айрим турлари бир хил кўринишда намойиш бўлиши мумкин.

Хиндистоннинг Дехли шаҳрида миграция тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилганлиги боис унга қаршилар ва кўллаб-қувватловчилар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Натижада ён атрофдаги курилмаларга жиддий зарар етди, кўплаб машиналар ағдариб юборилди. Тўқнашувлар давомида 10 киши ҳалок бўлди, 150 га яқин одам жароҳатланди. Жабрланганларнинг кўпчилигини хуқук-тартибот идоралари ходимлари ташкил этмоқда.

ЖАҲОНДА

Гонконг политехника институти олимлари бир соат ичида респираторли касалликлар, жумладан, янги турдаги коронавирус билан боғлиқ 40 тагача бактерия ва вирусни ташхислай оладиган тизимни ишлаб чиқиди. Унга кўра, гонконглик олимлар коронавирус экспресс-диагностикаси учун портатив мослама яратишган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, у 40 дақиқада ташхис қўйиши мумкин. Мазкур тизим шифокорларга нохуш аломатлар қайд этилган беморларга аниқ ташхис қўйишни тезлаштиришга кўмаклашади. Масаланинг муҳимлиги шундаки, коронавирус ва респираторли касалликларнинг айрим турлари бир хил кўринишда намойиш бўлиши мумкин.

Хиндистоннинг Дехли шаҳрида миграция тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилганлиги боис унга қаршилар ва кўллаб-қувватловчилар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Натижада ён атрофдаги курилмаларга жиддий зарар етди, кўплаб машиналар ағдариб юборилди. Тўқнашувлар давомида 10 киши ҳалок бўлди, 150 га яқин одам жароҳатланди. Жабрланганларнинг кўпчилигини хуқук-тартибот идоралари ходимлари ташкил этмоқда.

ИҚТИДОРЛИ, ТАШАБУСКОР ТАЛАБАЛАР УЧУН

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан республикамиз олий ўқув юртлари, хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг Ўзбекистондаги филиаллари ҳамда чөл элдаги таълим муассасаларида тахсил олаётган ўзбекистонлик фуқаролар учун SQB стипендияси жорий қилинди.

Стипендия миқдори республика ҳудудидан ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 2 баробаригача этиб белгиланади.

SQB стипендияси молия, иқтисод, ахборот технологиялари, математика, ҳуқуқ ва банкнинг бизнес жараёнлари билан боғлиқ бошқа зарур мутахассисликлари бўйича бакалавр йўналишининг 3-4-босқич ва магистратура бўлимида тахсил олаётган иқтидорли, ташаббускор, замонавий фикрлайдиган, юқори билим ва малакага эга, хорижий тилларни мукамал эгаллаган ҳамда ўқиниш муваффақиятли давом эттираётган (тамомлаётган) талабаларни танлов ва саралаб олиш асосида тўланади.

Бунда талаба-ёшларнинг ўқув жараёнида юқори рейтинг кўрсаткичларга эга бўлиши, давлат ва хорижий тиллар (қамада битта) ни мукамал билишига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, талабгорлар SQB стипендияси бўйича банк тизимида тузилган Экспертлар гуруҳи томонидан суҳбат ва тест сновларидан ўтказилади.

Банк фаолиятига оид фанлар, ахборот технологиялари, математика йўналиши бўйича халқаро ёки республика олимпиадаси совриндорларига эса танлов якунида устуворлик берилади.

— Мазкур лойиҳа банк тизимида ишлаб чиқилган янги HR стратегияси асосида амалга оширилмоқда, — дейди Ўзсаноатқурилишбанк Ходимларни бошқариш департаменти директори А.Нодиров. — Бунда банкни трансформация қилиш жараёнида кадрлар сиёсатини самарали юритиш, хусусан, ходимлар захирасини ўқишда, илмий излашда ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол бўлган иқтидорли, ёш кадрлар билан тўлдириш ва шу билан бир қаторда олий ўқув юртлари талабаларига банк ва ахборот технологиялари йўналишларида профессионал фаолият бошлалари учун қўлай имконият яратиш мақсади кўзда тутилган.

SQB стипендияси танловидида иштирок этиш ва номзодлардан ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисида батафсил яқин кунларда эълон қилинади.

Банк Ахборот хизмати



Футбол янгиликлари

ЧЕМПИОНАТ СТАРТ ОЛДИ

Ниҳоят ўзбекистонлик футбол мухлислари орақиб кутган кунлар этиб келди.

Футбол бўйича Суперлига жамоалари жорий йилги мамлакат биринчилигининг 1-турида ўзаро беллашишди. Айтиш жоизки, дастлабки турни "Қўқон - 1912", "Машъал", "Бунёдкор", "Пахтакор", "Локомотив" ғалаба билан бошладилар.

Биринчи турда куйидаги натижалар қайд этилди: "Пахтакор" — "Навбахор" — 2:1, "Қўқон - 1912" — "Бухоро" — 3:0, "Локомотив" — "Андижон" — 2:1, "Машъал" — "Сўғдиёна" — 3:0, АГМК — "Металлург" — 1:1, "Сурхон" — "Бунёдкор" — 1:3, "Кизилқум" — "Насарф" — 1:3.

Сермаҳсул голларга бой ўтган дастлабки турда Игорь Сергеев, Мурод Холмуҳаммедов, Бобур Абдуҳолиқов рақиблар дарвозасига иккитадан гол киритишди.

Ақбар Йўлдошев

"АДОЛАТ БОФИНИ БИРГА ЯРАТАМИЗ"

Ўзбек халқининг қадимий урф-одатларига кўра, боғ яратиш аъёнаси неча минг йиллардан буён давом этиб келмоқда. Халқимизда "Яхшидан боғ қолади", деган пурмаъно нақл ҳам айнан ушбу сўз моҳиятини очиб беради.

Шундай савобли ишга бош қўшган "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам депутатлар иштирокида яқинда "Адолат боғини бирга яратамиз" акциясини ўтказди. Акция доирасида Юнусобод туманидаги бир қанча жойларга кўкаламзорлаштириш мақсадида мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Хусусан, "Беғубор", "Меҳнатобод" маҳаллалари ва мактаблар атрофига арча, терак, сосна каби 1200га яқин дарахтлар экилди.

— Мазкур акция республика миқёсида эълон қилинган "Бир миллион дарахт" лойиҳасининг узвий давоми сифатида ўтказилди, — дейди Халқ депутатлари Юнусобод тумани Кенгаши депутати Қажрамон Махаматқулов. — Баҳорий мавсум арафасида акцияни давом эттириб, депутатлар ва партия фаоллари "адолат боғи"ни барпо этишга ҳисса қўшдик. Бу орқали қанчадан қанча жойлар келгусида яшил масканга айланиши учун замин ҳозирланди.

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА

"101" АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ЙўлиДА

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг турар жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, электр асбоблари ва маиший техника воситаларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бепарқлик, умуман ёнғин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, уларни кўра-қўра равишда бузиш оқибатида уй-жойларда кўп вақтлар учун қўрақчилик ва мол-мулк ва албатта жамоат, давлат мулкни кўра қорачигидек сақлаш ва асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Хайрулла ПОЗИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Транспорт қисми биносида ЕХТТЭ 3-бўлими ахборот бўлими раҳбари

Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлиги сабабли содир бўлган ёнғинлар натижасида шахримиздаги қорхона, ташкилотлар, хусусий хонадонлар катта зарар кўраётгани сир эмас.

Шундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шундан ёнғиннинг ҳам, куйиш ҳолатларининг ҳам олдини олган бўлаемиз!

Ерлан ДЖУРАБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Мамлукурий биносида ФВБ ЕХТТЭ 3-бўлими ахборот бўлими раҳбари

Ёнғин қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг муҳим изини қолдиради. Қорхона ва ташкилотларда содир бўлган ёнғинлар ходимларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиши билан бирга иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади. Қорхона-ташкилотлар, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўлаемиз. Арзимасдек туолган носозлик ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Фарҳод МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Биносида ЕХТТЭ 1-бўлими ахборот бўлими раҳбари

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга қайтарилади. Уйдан қийметганинда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Азиз фарзандларимизни бир умрга ногирон ёки мурғак умри ҳазон бўлишига йўл қўйманг.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири турли сабаблар орқабатда юзага келувчи "тилсиз ёв"нинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, оғоҳлик ва ҳушёрликни оширишдан иборат.

Сайидяло УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенат биносида ЕХТТЭ 1-бўлими ахборот бўлими раҳбари

Ёнғин — инсоният ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилувчи жараён.

Қорхона-ташкилотлар бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олаемиз. Арзимасдек туолган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Умид БОТИРОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ БМ аппарати Ҳўкумат уйи биносида фойдаланиш бошқармасида ЕХТТЭ катта инспектори, катта лейтенант

Таҳлил ва кузатишлар натижаларига кўра, фуқароларнинг газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш, спиритли ичимлик ичиб, тамаки чекиш оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан ҳар ким ўз вақтида хулоса чиқариб олмаётгани таъжубули ҳолдир.

Ёнғинни "тилсиз ёв" деб беҳуда таърифлашмаган, чунки у фавқулодда одам ҳаёти, мол-мулкига таҳовуз қиладиган офатлар ичида энг қаттиқдир. Шундай экан кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун белгиланган қоидаларга амал қилишимиз лозим.

Бахитжон АНДАБАЕВ,
"Бунёдкор" стадиони ФВБ Ёнғин назорати ва профилактика инспектори, катта сержант

Шахримизда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида содир бўлмоқда.

Хонадонларда газ ва электр ускуналаридан фойдаланишда кўп қўл фуқароларимиз кўп равишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузишлари натижасида уй-жойлари талафот кўраётир.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингиз, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Маъруфжон ШАРИФОВ,
Исроил МАХАМАДЗИКИРОВ,
Яқкасарой тумани ФВБ П ва НБ инспекторлари

Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли турар жойлари, қорхона, ташкилот, айниқса, мактаб, Меҳрибонлик уйлари, мактабга таълим ва давлолаш муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли профилактик ишлар олиб боришмоқда.

Кенг орасида содир бўлаётган ёнғинлар ва уларнинг тафсилотлари ҳақида тўшунтиришлар берилмоқда. Бундан қўланган мақсад "тилсиз ёв" натижасида қийдагачан кўнгилсизликларнинг олдини олишдир.

Миразиз ТОИРОВ,
Ёнғин назорати ва профилактикаси мутахассиси

Ёнғин сабабли йилига қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади.

Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, газ ва электр тармоқларини ўзбошимчалик билан улаб олиш, носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатларни аниқлаш учун маҳалла фаоллари ёрдамида текширувлар ўтказилиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилиши. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш муҳимлигини унутманг.

Мамурбек МИРЗАБЕКОВ,
Анжуамлар саройи ЕХТТЭ инспектори,
Комилжон МАХКАМОВ,
Анжуамлар саройи ЕХТТЭ мутахассиси

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

ҲҲРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги № 4388-сонли Қарорининг 7-бандига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 августдаги № 685-сонли қарорига биноан "MURUVVAT-TEKS" МЧЖнинг 2020 йил 7 февралдаги 23/Д-20-сонли бюортномасига асосан Хоразм вилояти Гурлан тумани, Сахтиён қишлоғи, Мустақиллик кўчаси, 5-уйда жойлашган "Гурлан Трико-таж Фабрикаси" мулкий мажмуаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 97 062 520 555 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 10 март куни соат 15:00да Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кун олдин соат 18:00да тўхтатилади.

Ўқоридаги кўчмас мулклар белгиланган кунда сотилмаган тақдирда 7 йилгача бўлган муддатга бўлиб тўлаш шарти билан 2020 йилнинг 31 декабрига қадар ҳафтаинг ҳар сешанба кун соат 15:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаининг нусخаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 5 фозидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р: 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519га савдода иштирок этиш учун ариза топширунрга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (0371) 237-23-96. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001

ҲҲРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 августдаги № 685-сонли қарорига биноан "MURUVVAT-TEKS" МЧЖнинг 2020 йил 7 февралдаги 23/Д-20-сонли бюортномасига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси, 200-уйда жойлашган умумий майдони 4303 кв.метр бўлган "Самарқанд дарвоза тикув фабрикаси" такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 9 062 981 180 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 10 март куни соат 15:00да Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кун олдин соат 18:00 тўхтатилади.

Ўқоридаги кўчмас мулклар белгиланган кунда сотилмаган тақдирда 10 йилгача бўлган муддатга бўлиб тўлаш шарти билан 2020 йилнинг 31 декабрига қадар ҳафтаинг ҳар сешанба кун соат 15:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаининг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 5 фозидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р: 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519га савдода иштирок этиш учун ариза топширунрга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (0371) 237-23-96. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001

ҲҲРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2020 йил 3 мартдаги 229-сонли бюортномасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Андижон вилояти, Улуғнор туманида жойлашган, умумий майдони 4893,36 кв.метр, қурилиш ости майдони 724,78 кв.метр 6 та литердан иборат, 1 қаватли "Улуғнор деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 2 659 118 000 сўм.
2. Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманида жойлашган, умумий майдони 864,24 кв.метр, қурилиш ости майдони 765,14 кв.метр, 6 та литердан иборат, 1 қаватли "Сайхунобод деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 3 179 300 000 сўм.
3. Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманида жойлашган, умумий майдони 988,91 кв.метр, қурилиш ости майдони 886,81 кв.метр 6 та литердан иборат, 1 қаватли "Олтинсой деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 2 779 800 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 19 март куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Ўқоридаги кўчмас мулк 2020 йил 19 март сотилма-

Тошкент архитектура қурилиш (собик Миробод қурилиш) касб-ҳунар коллежи томонидан 2003 йилда Юсупова Азиза Мирфайзуллоевна номига берилган КХТ № 64747 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сергеда политехника касб-ҳунар коллежи томонидан 2019 йилда Қобилов Охунжон Маҳмадоли ўғли номига берилган К № 5759345 рақамли (2776-руйхат рақамли) диплом ва диплом иловасининг дубликатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 6 март куни ҳаво ўзағари туради, кечқурун қишқа муддатли ёмғир ёғади. Фардан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Харорат кечаси 3-5 даража илқ, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 6 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратеди, ифлосланши даражаси паст бўлади.